

IMPROVEMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCE IN STUDENTS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION

Khalmuhamedova Mahbuba Aslanovna

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Lecturer at the Department of "Technological Education"

E-mail: maxbuba.xalmuxamedova71@gmail.com

Introduction.

At the present time, when the quality of education has risen to the level of state policy, the issue of training qualified teachers is recognized as a determining factor in the development of society.

Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PK-4623 of February 27, 2020 "On measures to further develop the field of pedagogical education" Consistent measures have been taken to increase it.

In order to achieve these goals, it is necessary to develop a system of continuing education, to focus all efforts and attention on improving the professional competence of future teachers, who are the main link and locomotive of the system of continuing education.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Технология” – юнонча икки сўздан – **“технос” (techné)** – маҳорат, санъат ва **“логос” (logos)** – фан, таълимот сўзларидан ташкил топган.

Тарихий манбаларга кўра, “Технология” фани ҳам қадимги юнонистонда пайдо бўлган. Ушбу даврда, бу хунарманднинг буюмларни тайёрлаш санъатига, устози раҳбарлиги остида (машқлар туфайли) ўзининг тиришқоқлиги ва табиий иқтидори орқали эришишини англаган.

1932 йилдан бошлаб меҳнат таълими мажбурий фан сифатида умумтаълим фанлари таркибида ўқитила бошланган. 1937 йилга келиб меҳнат таълими фани умумтаълим фанлари таркибида ўқитилиши тўхтатилган. Орадан 17 йил ўтиб, яъни 1954 йилдан бошлаб меҳнат таълими мажбурий фан сифатида умумтаълим фанлари таркибида ўқитилиши йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар ўқитилиб келинмоқда. 2017 йилдан бошлаб “Меҳнат таълими” номи “Технология” деб атала бошланди.[1]

Педагогика олий таълим муассасаларида технологик таълим йўналиши бўйича профессионал ўқитувчилар тайёрлаш вазифаси қўйилган бўлиб, биз технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлиги деганда қуйидагиларни назарда тутамиз:

- меҳнат назарияси бўйича касбий билим, кўникма ва малакага эга бўлиш;
- технологик ишлаб чиқаришнинг амалиёти бўйича методикани эгаллаш;
- ёшларни меҳнат ва технологик ишлаб чиқариш лаёқатини шакллантириш, ривожлантириш ва йўналтириш тажрибасига эга бўлиш;
- меҳнат ва технологик ишлаб чиқариш бўйича амалий воситаларни билиш.

Бундай ёндашув технологик таълим йўналиши талабаларини профессионал ўқитувчилар сифатида касбий тайёргарлигини, назарий билимга эгалигини ва амалий фаолият асосларидан хабардорлигини белгилайди.

Технологик таълим йўналиши талабалари бўлғуси Технология фани ўқитувчиларидир ва кўпроқ касб-хунарга йўналтирилган билимларни эгаллаши лозим. Лекин шу билан бирга улар бўлғуси педагоглардир.

Шу жиҳатдан замонавий педагог ўз соҳасининг етук мутахассиси, юқори билим ва салоҳиятга эга, маънан комил, мустақил дунёқарашга эга, ижодий фикрловчи, миллий

кадрийларни ҳурмат қилувчи ва уларга амал қиладиган баркамол шахс бўлмоғи лозимдир. Ушбу сифатларнинг барчаси бўлгуси педагогнинг *касбий компетентлигини* белгилайди.

Компетентлик педагогнинг маънавий дунёқараши, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари салоҳиятини ифодалайди. В.П.Топоровскийнинг фикрича “компетентлик” педагогнинг бошқарув йўналишидаги тушунчалари даражаси, унинг индивидуал қобилиятлари ва малакаси, ўзини-ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим жараёнини бошқариш имкониятлари орқали аниқланади.”[2] Мазкур таъриф педагогнинг компетентлиги тушунчасини тўлиқ ифодалайди.

Педагог касбий компетентлигининг қуйидаги асосий компонентларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва объектив баҳолашга хизмат қилувчи рефлексив кўникмалар;
- ўз фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёнидаги хатти-ҳаракатларининг натижаларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини ҳис этишни ифодаловчи олдиндан кўриш кўникмалари;
- таълим–тарбия жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси;
- ҳамкорликда фаолият кўрсатиш вазиятларга кўра педагогик услубларидан оқилона фойдаланиш кўникмаси.

Хулоса

Демак, педагогнинг касбий компетентлиги уларнинг таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари даражаси, ташкилотчилик, тадқиқотчилик, бошқарувчилик, педагогик қобилияти ва кўникмаси, ўзини-ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, таълим жараёни фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш имкониятлари орқали аниқланади деб айтишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР. Ўқув-услубий мажмуа.Тошкент-2018. 84-85бет.
2. Топоровский В. П. Аналитическая компетентность педагога;технологии развития, педагогический анализ, методы и формы оценки : учебно-методическое пособие. 2-е изд., стереотип. – М.:Планета, 2011. – 176 с. (Сер. «Управление школой»).